

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ЗУХРА РАЖАБОВНА

**МАРКАЗИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИҚАНОТЛИ (INSECTA:
ORTHOPTERA) ҲАШАРОТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тураева Зухра Ражабовна

Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли (Insecta: Orthoptera) ҳашаротлари фаунаси ва экологияси..... 3

Тураева Зухра Ражабовна

Фауна и экология прямокрылых (Insecta: Orthoptera) Центрального Узбекистана 21

Turaeva Zukhra Rajaboeva

Fauna and ecology of Orthoptera (Insecta: Orthoptera) of Central Uzbekistan..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ЗУХРА РАЖАБОВНА

**МАРКАЗИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИҚАНОТЛИ (INSECTA:
ORTHOPTERA) ҲАШАРОТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/В166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаева Гулнара Саидарифовна

биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Медетов Махсетбай Жапакович

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Хусанов Алижон Каримович

биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети


Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «14» апрель куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz)


Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 37 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «01» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «01» апрелдаги 8 - рақамли реестр баённомаси)




Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик


Ф.Д. Акрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., б.ф.д., профессор


А.Э. Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган иқлим ўзгаришлари, антропоген омилларнинг ўсиб бориши ҳамда табиий ландшафтлардаги муҳитнинг ўзгариши хашаротлар хилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, урбанлашган ҳудудларнинг кенгайиши қишлоқ хўжалиги экинларида зараркунанда хашаротлар миқдорининг кескин ошишига олиб келмоқда. Шунга кўра, антропоген омиллар кучли бўлган ҳудудларда тўғриқанотли хашаротлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш ҳамда зарарли турларга қарши ўз вақтида кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда тўғриқанотли хашаротларнинг хилма-хиллигини ўрганиш, турли омиллар таъсирида уларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини аниқлаш ҳамда зарарли турларига нисбатан самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш, популяциясини назорат қилишнинг ГАТ тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи вакилларига қарши кураш чораларини такомиллаштириш, тўғриқанотли хашаротлар фаунасининг тур таркибини аниқлаш, ландшафтлар бўйича тақсимланиши ва зоогеографик тарқалишини асослаш, морфологик ўхшаш турларни молекуляр-генетик таҳлил қилиш ҳамда зарарли турлар популяцияларини бошқариш усулларини такомиллаштириш устувор йўналишларида илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Республикамизда хашаротлар хилма-хиллигини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда кадастрини юритишга катта эътибор қаратилди. Бу борада жумладан, муҳим турларнинг таксономик таркиби аниқланди, йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги турлари муҳофазага олинди, зарарли турларга қарши кимёвий ҳамда биологик кураш усуллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда жумладан, республикамизнинг марказий ҳудудларида тарқалган тўғриқанотли хашаротлар тур таркибини аниқлаш, ландшафтлараро тарқалишини ва фаунасининг шаклланишини очиб бериш, тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини яратиш, зарарли турларига қарши самарали ҳамда экологик соф кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўғриқанотлилар тур таркиби ва зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш, популяцияларини назорат қилиш ҳамда ГАТ тизимини яратишга оид тадқиқотлар хорижлик олимлар А.В. Лачининский (2001), Р.А. Oliveira (2001), В. Agabiti (2006), А.М. Fermin (2013) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатлари олимлари томонидан зарарли чигиртка турлари систематикаси, морфологияси, тўғриқанотлиларнинг экологик хусусиятлари ва зоогеографияси Ф.Н. Правдин (1978, 1980), М.Г. Сергеев (1986), И.К.Лопатин (1989), О.Л. Крыжановский (2002) ишларида қайд этилган.

Марказий Осиёда тарқалган тўғриқанотли хашаротлар фаунаси, турлар таксономияси ва экологиясига оид маълумотлар А.П. Федченко (1872, 1878), Г.Соссюр (1874), Г.Г. Якобсон (1905), Б.П. Уваров (1927), В.П.Поспелов (1939), М.К. Чильдебаев (2017) ишларида акс эттирилган.

Ўзбекистон тўғриқанотлилари тур таркиби, систематикаси М.В. Столяров (1966), Р.А. Алимджанов (1974), А.А. Бекузин (1968), Н.Э. Эргашев (1982), Г.Ш. Шомуратов, Л.М. Копанева (1985), М.Ж. Медетов (2012, 2018), Б.Р.Холматов (2019), М.К.Бегжанов (2020) ишларида қайд этилган. Зарарли турларга қарши кураш чоралари Ф.А. Гаппаров (1983, 2001, 2014), А.А. Нуржанов (1989), Ш.К. Худанов (1998), А. Хаитмуратов (1999) тадқиқотларида келтирилган. Бироқ, ушбу тадқиқот ишлари Марказий Ўзбекистон ҳудудида тўғриқанотли хашаротларнинг тур таркиби, ландшафтлар бўйича тарқалиши, зоогеографияси ҳақида тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, тўғриқанотлиларнинг келиб чиқиш марказини асослаш, фаунанинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, тўғриқанотлилар ҳаётий шакллари тавсифлаш, озикланиш типига асосан турли-туманлигини очиқ бериш ҳамда зарарли турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усуллари ишлаб чиқишга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасининг ВА-ФА-Ф5-011 сонли “Ўзбекистон тўғриқанотли (Insecta:

Orthopteroidea) ҳашаротлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2020) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, камёб турларни муҳофаза қилиш ва зарарли турларига қарши курашишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Ўзбекистон ҳудудида Orthoptera туркум вакиллариининг тур таркибини аниқлаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш;

тўғриқанотли ҳашаротларнинг Марказий Ўзбекистонда ландшафтлараро тарқалишини таҳлил этиш;

тўғриқанотли ҳашаротларнинг ҳаётий шаклларига кўра экологик гуруҳланишини аниқлаш;

Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларини мавсумий ривожланиш фенологиясини ишлаб чиқиш;

тўғриқанотли ҳашаротларни зоогеографик таҳлил қилиш;

Calliptamus Aud. – Serv. 1831 авлоди чигирткаларини морфологик хусусиятларини асослаш ва молекуляр генетик даражада таҳлил қилиш;

зарарли турларга қарши қўлланилган самарали усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлар биологик хилма-хиллиги, фаунаси, экологияси, кадастрини юритиш, муҳофаза қилиш ва зарарли турларига қарши замонавий курашиш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, энтомологик, зоогеографик, экологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлилари популяциялари замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 8 оила, 61 авлодга мансуб 87 тур ва кенжа турлари аниқланган;

илк бор Ўзбекистон фаунаси учун тўғриқанотлилар туркуми вакилларидан 1 авлод, 1 кенжа тури аниқланган;

тўғриқанотлилар фаунасининг ландшафтлар бўйлаб шаклланиши, турли агроценозларда тарқалиш хусусиятлари очиқ берилган ҳамда биотоплардаги миқдори ва зичлигига асосан 5 та таснифи изоҳланган, камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи бўлган турларининг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

илк бор Марказий Ўзбекистоннинг Orthoptera туркуми жамоаларининг мавсумий ривожланиш динамикасига асосланиб, 4 та фенологик гуруҳга ажралиши аниқланган;

илк бор *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836) тури рДНК ITS2 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги маълумотлари Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанки базасига жойлаштирилган;

зарарли *Dociostaurus maroccanus* чигиртка турига қарши Имидашанс, 20% с.э.к. (0,075 л/га), Крейсер, 20% эм.к. (0,07 л/га) ҳамда Фасшанс, 10% эм.к. (0,3 л/га) инсектицидларнинг биологик самарадорлиги 72 соатдан кейин 92,7 - 98,4% ни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

10 та камёб ва 1 та эндем турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар ишлаб чиқилган;

камёб ва эндем турлар популяцияларини сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

экинлар учун зарарли бўлган марокаш чигирткасига қарши Имидашанс, 20% с.э.к., Крейсер, 20% эм.к. ва Фасшанс, 10% эм.к. инсектицидлари ёрдамида қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар (Biostat 2007) асосида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Марказий ҳудудлари тўғриқанотлилари фаунасини таҳлил қилинганлиги, янги таксономик бирликларни қайд қилинганлиги, тўғриқанотлиларни ҳаётий шакллари ҳамда озикланишига кўра, экологик гуруҳларини тавсифланганлиги, жуда камёб ва эндем турлар рўйхати тузилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг Марказий ҳудудларида тўғриқанотлиларнинг камёб ва эндем турлари тарқалган ҳудудларни белгиланганлиги ҳамда уларни муҳофаза қилиш жумладан, Ўзбекистон Қизил китобига киритиш учун тавсия қилинганлиги, янги кимёвий препаратлар ёрдамида қарши кураш чораларини ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли (Insecta: Orthoptera) ҳашаротлари фаунаси ва экологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўғриқанотли ҳашаротларнинг ҳаётий шаклларини ифодаловчи 15 та тасниф бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоят бошқармалари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қўмитасининг 2020 йил 12 декабрдаги 02-03/1-3111-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу вилоятлар ҳудудлари бўйлаб тўғриқанотли ҳашаротларнинг фенологик спектрларини аниқлаш ва Марказий Ўзбекистон шароитида антропоген босим ҳудудларида тарқалган 87 та тўғриқанотли ҳашаротлардан ҳимояга муҳтож 10 та турининг популяциялари ҳолатини баҳолаш ҳамда уларни сақлаб қолиш имконини берган;

тўғриқанотли ҳашаротлар туркумига тегишли бўлган 87 тур ва кенжа турларига мансуб 120 нусха ҳашарот намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 2 декабрдаги 4/1255-2710-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар Марказий Ўзбекистондаги тоғ, адир, чўл ҳудудларига оид ҳашаротлар фондиди бойитган ва улар популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда интерфаол атласлар тайёрлаш имконини берган;

Марокаш чигирткасига қарши курашда Имидашанс, 20% с.э.к. - 0,075 л/га сарф меърида 98,4 %, Крейсер, 20% эм.к. - 0,07 л/га да 92,7 % ва Фасшанс, 10% эм.к. 0,3 л/га 95,4 % биологик самарадорликка эришилган ва қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Жиззах вилояти Фориш тумани “Фориш” фермер хўжалиги ҳудудларида зарарли чигирткалар тарқалишини олдини олиш амалиётига жорий қилинган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 10 декабрдаги 03-12/702-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ҳудуднинг экин майдонларида ва унинг атрофидаги яйловларда зарарли чигирткалар сонини бошқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва

диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли хашаротларининг ўрганилиш ҳолати”** деб номланган бўлиб, бунда хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда тўғриқанотли хашаротлар фаунаси, зоогеографияси, зарарли турлари ҳамда улардан химоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, бўлимда тўғриқанотли хашаротларга доир Республикамизнинг фақатгина арид ҳудудлари ёки Фарғона водийси ҳудудлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилганлиги, ҳозирги замон фаунистикасини тасвирлаб бера олмаслигини ҳамда тўғриқанотли хашаротларни кенг доирада ўрганиш кераклиги очиб берилган.

Диссертациянинг **“Марказий Ўзбекистоннинг табиий-географик шароитлари, тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, бобнинг биринчи бўлимида тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари, иқлими ва географик жойлашуви акс эттирилган. Бобнинг иккинчи бўлими тадқиқот олиб бориш усулларига бағишланган. Тўғриқанотли хашаротларни тадқиқ қилиш ишлари 2017-2020 йиллар давомида олиб борилган. Уларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш юзасидан тадқиқотлар белгиланган маршрутлар бўйича ва стационар олинган ҳудудларда ўтказилган.

Бунинг учун катта майдонни эгаллаган географик ҳудудлар, жумладан Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилояти ҳудудлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган агроландшафтлардан тўғриқанотли хашаротлар намуналари йиғилди. Хашаротлар намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш ва коллекция намуналарини тайёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Лачининский ва бошқ. 2001, Сергеев, 1985, Правдин, 1980, Правдин, Мищенко, 1982). Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 9701 дан ортиқ хашарот намуналарини йиғилиб ўрганилди.

Турларнинг ҳаёт тарзи бўйича гуруҳларга ажратишда М.Ф. Правдин таклиф қилган усулдан фойдаланилди. Унга асосан тўғриқанотли хашаротларнинг морфологик кўрсаткичларига ва аниқланган биотоплари типларига биноан гуруҳларга ажратиш таклиф қилинган.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар Diatom DNA Прер фирмаси тўплами ёрдамида ДНК ажратиш, полимераза занжирли реакция (ПЗР)-амплификация ва агароза гелида электрофорез усуллари асосида амалга оширилган.

Аниқланган турларнинг зоогеографик тавсифи эса, М.Е Сергеев (1985) таклиф қилган принципларга асосан олиб борилган. Лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш шароитида тажриба ўтказиш ишлари Б.А. Доспехов (1985) усуллари бўйича олиб борилган.

Диссертациядаги олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили BioStat 2008 5.0.1 ва Microsoft Office Excel 2007 дастури ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг “Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари тур таркиби ва таксономик тавсифи” деб номланган учинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, бобнинг биринчи бўлимида Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари тур таркиби ва уларнинг таксономик ҳолатига бағишланган. Тадқиқот натижасида йиғилган ҳар бир турнинг тарқалиши, аниқланган жойи, муддати, турлар сони, таксономик ўрни, тақсимланиши, озикланишига кўра гуруҳланиши юзасидан маълумотлар келтирилган. Марказий Ўзбекистонда тўғриқанотли ҳашаротларнинг 1 туркум, 8 оила, 10 кенжа оила ва 61 авлодга мансуб 87 тур ва кенжа тури тарқалганлиги биринчи бор қайд қилинди (1-жадвал).

1 – жадвал

Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари тур таркиби ва таксономик тақсимланиши

Оила	Кенжа оила	Авлод сони	% ҳисо – бида	Тур сони	% ҳисо – бида
Tettigonidae	Phaneropterinae	1	1,64	1	1,15
	Tettigoninae	6	9,84	8	9,20
Gryllidae	Grylloinae	5	8,20	5	5,75
	Myrmecophilinae	1	1,64	1	1,15
	Oecanthinae	1	1,64	1	1,15
Gryllotalpidae	-	1	1,64	1	1,15
Tridactylidae	Tridactylinae	1	1,64	1	1,15
Tetrigidae	Tetriginae	1	1,64	4	4,60
Pyrgomorphidae	-	2	3,28	2	2,30
Pamphagidae	Thrinchinae	4	6,56	6	6,90
Acrididae	Catantopinae	8	13,11	14	16,09
	Acridinae	30	49,18	43	49,43
8	10	61	100	87	100

Темирчакларнинг (Tettigoniidae) 7 та авлодга мансуб 9 тури, чирилдоқларнинг (Gryllidae) 7 та авлодга мансуб 7 тури, бузоқбошиларнинг (Gryllotalpidae) 1 авлодга мансуб 1 тури, триперстларнинг (Tridactylidae) битта авлодга мансуб бир тури, тетригидаларнинг (Tetrigidae) 1 авлодга тегишли бўлган 4 тури, пиргаморфидаларнинг (Pyrgomorphidae) 2 авлодга мансуб 2 тури, памфигидаларнинг (Pamphagidae) 4 авлодга мансуб 6 тур ва ҳақиқий чигирткаларнинг (Acrididae) эса 38 авлодга мансуб 57 тур ва кенжа турининг ўрганилаётган ҳудудда тарқалганлиги аниқланди.

Марказий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган, чигирткаларнинг *Euchorthippus* авлоди ва битта кенжа тури - *Euchorthippus pulvinatus pulvinatus* (Fischer-Waldheim, 1846) Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор кўрсатилди.

Бобнинг иккинчи бўлими тўғриқанотли ҳашаротларнинг Марказий


Ўзбекистонда ландшафтлараро тарқалишига бағишланган бўлиб, келтирилган турларнинг энг кўп тоғ ва тоғ олди ҳудудларида 68, агробиоценозларда 57 тур, чўлларда 37 тур, Жайрон кўриқхонасида 26 тур ҳамда сув қирғоқларидан эса энг кам 25 тур тўғриқанотлилар тарқалган. Марказий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган 87 та тўғриқанотлилардан *Tettigonia caudate*, *Platycleis intermedia*, *Melanogryllus desertus*, *Oecanthus turanicus*, *Grullatalpa grullatalpa*, *Tetrix sudulata*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti*, *Dericorys albidula*, *Calliptamus italicus italicus*, *Calliptamus turanicus*, *Calliptamus barbarus cephalotes*, *Acrida oxycephala*, *Truxalis eximia*, *Acrotylus insubricus*, *Locusta migratoria* ва *Aiolopus thalassinus* каби 16 тур доминант ҳисобланади. Шунингдек *Phaneroptera falcata* (Poda, 1761), *Glyphonothus thoracicus* (Fischer-Waldheim 1846), *Eremogryllodes semenovi* (Mir., 1930), *Chrotogonus turanicus* (Kuthy 1905), *Melanotmethis fuscipennis* (Rebt., 1889), *Pezotmethis ferghanensis* (Uv., 1925), *Epacromius tergestinus* (Charp., 1815), *Pyrgoderma armata* F.d.W., 1846, *Sphingonotus halophilus* B.-Bien., 1929, *Sph.salinus* (Pall, 1929) лар эса, 10 жуда кам тарқалган турлар эканликлари тадқиқотларимиз давомида аниқланди. Бошқа 37 тур эса, доимий турлар сифатида қайд қилинди.

Бобнинг учинчи бўлими Тўғриқанотлиларнинг Марказий Ўзбекистон вилоятлари кесимида ва ҳудудларда тарқалиши, миқдори ҳамда зичлигига оид тадқиқот натижалари келтирилган. Марказий Ўзбекистон вилоятлар кесимида Жиззах вилоятида 59 тур, Самарқандда 40 тур, Бухорода 41 тур ва Новий вилоятида 64 тур бу туркум хашаротлари турлари тарқалганлиги биринчи бор аниқланди. Марказий Ўзбекистон ҳудудлари тўғриқанотли хашаротларнинг тарқалиши ва зичлик миқдорига асосан 62 (71,3%) тури доимий тур ва кенжа турлар, 13 тури (14,9%) доминант тур ва кенжа турлар, 10 тури (11,5%) жуда кам тарқалган тур ва кенжа турлар, 2 (2,3%) жамоа ҳосил қилувчи турлар ҳисобланади.

Бобнинг тўртинчи бўлими Тўғриқанотли хашаротлар маълумотлар базасини яратишга бағишланган бўлиб, Orthoptera Info МБси учун биообъект ҳақидаги Марказий Ўзбекистон ҳудудидан йиғилган 35 та тавсиф ҳамда 200 та ёзув жойлаштирилган ва *Euchorthippus pulvinatus pulvinatus* (Fischer-Waldheim) тури бўйича олинган барча морфо-экологик маълумотлар МБга киритилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли хашаротларининг экологик хусусиятлари ва зоогеографик таҳлили**” деб номланган бўлиб, тўрт бўлимдан иборат.

Бобнинг биринчи бўлими Тўғриқанотли хашаротларнинг ҳаётий шаклларига кўра, экологик гуруҳланишига бағишланган бўлиб, ўрганилаётган ҳудуд тўғриқанотли хашаротларининг ҳаёт шаклига асосан 17 та гуруҳга ажратилди (1-расм).



1-расм. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг ҳаётий шаклига кўра гуруҳланиши ва турлар сони

Турлар сонининг миқдори жиҳатидан эремебионтлар, факультатив хортобионтлар, бошоқли хортобионтлар ва тамнобионтлар кўпчиликини ташкил қилади, хортобионт, фиссуробионт ва герпетобионтлар 5 тадан тур, ўсимликхўр хортобионтлар эса 3 та тур ва қиёқ бошоқли хортобионт гуруҳига 9 тадан тур ва бошқа қолган гуруҳларга эса 1-4 тур тақсимланган.

Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлилари ҳаёт шаклига кўра, Эремобионт 14 тур - 16,09%, Факультатив Хортобионт 11 тур - 12,64%, Тамнобионт - 10 тур - 11,49%, Бошоқли хортобионт 9 тур - 10,34%, Герпетобионт 5 тур - 5,75%, Хортобионт 5 тур - 5,74%, Петрибионт 5 тур - 5,74%, Фиссуробионт 5 тур - 5,74%, Псаммобионт 4 тур - 4,59%, Ихтисослашган фитофил 3 тур - 3,44%, Ўсимликхўр хортобионт 3 тур - 3,44%, Микрогамнобионт 2 тур - 2,29%, Қиёқ - бошоқли хортобионт 2 тур - 2,29%, Геобионт 2 тур - 2,29%, Учувчи мигрант 1 тур - 1,14%, Криптобионт 1 тур - 1,14% ни ташкил этди.

Иккинчи бўлимида Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлиларининг ривожланиш фенологияси юзасидан тадқиқот натижалари келтирилган. Марказий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган жами 87 та тўғриқанотли ҳашаротлардан фенологик спектрлари 4 та гуруҳнинг ҳар биттаси учун бир турнинг ривожланиш фенологик календари тузиб чиқилди. Бундай фенологик календарлар йилнинг ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда Марказий Ўзбекистон ҳудудида 10 кундан 20 кунгача ўзгариши мумкин.

Кузатишларимиз давомида Марказий Ўзбекистон ҳудудларидаги тўғриқанотли ҳашаротлар фенологик спектрлари бўйича 4 та гуруҳга ажратилди, яъни улар, имаго ва личинка ҳолида қишлоқчи турлар 23 (26,4%),

эрта баҳорги турлар 10 (11,5%), баҳор - ёзги турлар 45 (51,7%) ҳамда ёз - кузги турлар 8 (9,2%) ташкил қилди.

Бобнинг учинчи бўлимида муҳофазага муҳтож тўғриқанотли ҳашаротлар турлари бўйича экологик маълумотлар келтирилган. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларини ўрганиш давомида уларнинг жуда кам учрайдиган турлари тўғрисида маълумотлар йиғилди. Тадқиқотларимиз натижасида уларнинг 10 та тури *Phaneroptera falcata* (Poda, 1761), *Glyphonothus thoracicus* (Fischer-Waldheim), *Eremogrylodes semenovi* (Mir., 1930), *Chrotogonus turanicus* Kuthy, 1905, *Melanotmethis fuscipennis* (Rebt., 1889), *Pezotmethis ferghanensis* (Uv., 1925), *Epacromius tergestinus* (Charp., 1815), *Pyrgoderma armata* F.d.W., 1846, *Sphingonotus halophilus* B.-Bien., 1929, *Sph. salinus* (Pall) кабилар жуда кам учраши аниқланди. Ўрганилган турлардан бештасининг Ўзбекистон Қизил китобига киритиш мақсадида бу турларнинг мазкур ҳудуддаги ҳозирги экологик ҳолати бўйича маълумотлар келтирилди.

Бу турларни ҳудудий муҳофаза қилиш учун кадастр схемаси тузиб чиқиш зарур. Шунингдек, тўғриқанотли ҳашарот турлари бўйича тайёрланган бирламчи маълумотлар давлат кадастр маълумотлари базасини яратиш ва юритиш учун фойдаланилиш имконини беради.

Тўртинчи бўлимда тўғриқанотли ҳашаротлар зоогеографик таҳлил қилинган бўлиб, Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротлари 10 та зоогеографик гуруҳларга ажратилди. Олинган маълумотлар натижаларига асосан, ўрганилган ҳудудда тарқалган тўғриқанотли ҳашаротларнинг 27,6 % ни Қадимги Ўрта ер турларига мансуб турлардан иборат бўлиб, турлар сони кўп бўлган *Dericorys*, *Calliptamus*, *Duroniella*, *Ramburiella*, *Dociostaurus*, *Notostaurus* каби авлодларнинг бу гуруҳга мансублиги таъсирида уларнинг миқдори энг юқори кўрсаткичга эга. Шунингдек, шарқий ярим шар плүрирегионал турларининг сони 25,2% ва плүрирегионал турларининг сони 17,2 % ни ва Ўрта ер денгизи турлари эса 9,2 % ташкил қилади. Голарктик турлар ва Ўрта Осиё тоғ эндемиклари турлари, бу иккала зоогеографик ҳудуд турларининг миқдори ҳам 5,8 фоиздан бўлса мос равишда Бореалпалеарктик ва Транспалеарктик турлар 2,3% ни ташкил қилган. Ўрта Осиё тоғ ва Ўзбекистон эндемиклари турларининг жами миқдори 1,1% ни ташкил қилган ҳолда марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларини келиб чиқиши ва зоогеографик тақсимоти билан Қадимги Ўрта ер авлодлари доминантлик қилиши аниқланди. Шундай қилиб, Марказий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлари 10 та зоогеографик гуруҳ элементларидан ташкил топган (2-расм).



2-расм. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг зоогеографик тақсимланиши

Диссертациянинг бешинчи боби **Чигирткаларни морфологик ва молекуляр генетик даражада ўрганиш ва уларга қарши замонавий курашиш усуллари** деб номланган бўлиб, икки бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлим зарарли турларни морфологик ва молекуляр генетик даражада ўрганишга бағишланган. Марказий Ўзбекистон ҳудудида *Calliptamus* Aud. – Serv. 1831 авлоди чигирткаларининг битта тури ва иккита кенжа тури тарқалган бўлиб, уларга *Calliptamus turanicus* Serg. Tarb., 1930, *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836) ва *Calliptamus italicus italicus* L., 1758 кабилар киради. Авлод турларини ташқи кўриниши ва танасининг умумий тузилиши бир хилда бўлганлиги сабабли, бу турларни бир-биридан ажратиш жуда қийин (3-расм).



3-расм. *Calliptamus* Aud. – Serv. 1831 авлоди чигирткалари

а - *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836), б - *Calliptamus italicus italicus* L., 1758, в - *Calliptamus turanicus* Serg. Tarb., 1930.

***Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836).** Орқа болдирининг тепаси олматолқон ёки қизил рангда, орқа бўксанинг ички тарафи қора

рангда бўлади. Танасининг узунлиги эркакида 13,2-24,2 мм урғочисиники 19,0-40,7 мм; Эркакининг қанот узунлиги 7,9-23,2 мм урғочисиники 15,9-33,4 мм. Бу тур бошқа пруслардан асосий фарқи орқа оёқлари болдирининг ички тарафи қора рангда бўлишидадир (4-расм).



4-расм. *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836).



5-расм. *Calliptamus italicus italicus* L., 1758.



6-расм. *Calliptamus turanicus* Serg. Tarb., 1930.


***Calliptamus italicus italicus* L., 1758.** турининг қанотлари деярли бир-бирига қарама-қарши, тана узунлиги эркакида 14,5-23,4 мм, урғочисида 24,5-41,1 мм; қанот узунлиги ♂ 11,3-18,3мм, ♀ 22,3-31,6 мм га тенг. *Calliptamus italicus italicus* L., 1758. кенжа турининг бошқаларидан фарқи орқа оёқларининг ички қисмида энига иккита қора чизикчалар бўлишидадир (5-расм).

***Calliptamus turanicus* Serg. Tarb., 1930.** турининг қанотлари пушти ёки қизил рангда бўлиб, камдан кам ҳолларда қанотлари рангсиз бўлади. Юқоридан пастки оёғи одатда пушти, ёрқин қизил ёки сарғиш рангдадир. Шунингдек, орқа сонининг ички томонида қора доғлар бўлиб чизик ҳосил қилмайди. Пастки оёғи сарғиш рангда. Тана узунлиги ♂23,8-31,5 мм, ♀34,5-48,2 мм; қанот узунлиги ♂17,5-25 мм, ♀23,5-39 мм. Танасининг қанот усти қисми эркакида: 15,5-25 мм, урғочиларида: 23,5-39 мм. Орқа оёқларининг сон қисми узунлиги эркакида 13,5-16,6 мм урғочиларида 20,5-26 мм (6-расм).

Турон прусининг ташқи кўриниши италия чигирткасиникига ўхшаш лекин, танасининг катталиги ва орқа оёқ сонларида тўқ қора чизиклар йўқлиги билан фарқланади.

Calliptamus Aud. – Serv. 1831 авлодига кирадиган чигирткалар турлари морфологик жиҳатдан ажратиш қийинлиги сабабли бу турларни молекуляр генетик даражада турларга ажратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Молекуляр тадқиқотларимизда *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836) турни рДНК ни ITS2 соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги амплификация қилинди. Сўнг ПЗР маҳсулотлари гель электрофорез усулида текширилди ва намуналар расмга олинди (7-расм). Электрофорез фракциялари натижасига кўра, намуналарда 250-260 га яқин ж.н. ажралганини кўриш мумкин.



7- расм. М-маркёр. 1-3- *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836)

Гелдан тозаланган ПЗР маҳсулотларини секвенирлашга беришдан олдин гелдан тозаланди ва ДНК концентрациялари ўлчанди ҳамда ПЗР га қўйилган праймерлар ёрдамида секвенсга берилди.

Сиквенс хроматограммаси маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836) кенжа тури ITS2 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанки базасига жойлаштирилган базасида илгари депонирланмаган ва бу база учун янги ҳисобланиб, илк бор жойлаштирилди (MW489518).

Бобнинг иккинчи бўлими зарарли чигирткаларга қарши курашишнинг замонавий усуллари деб номланган бўлиб, бунда Жиззах вилояти Фориш тумани “Фориш” фермер хўжалиги экин майдонлари ва табиий яйловларида инсектицид препаратлар – Имидашанс, 20% с.э.к., Крейсер, 20% эм.к. ва Фасшанс, 10% эм.к. қабул қилинган сарф меъёрларида марокаш чигирткасига қарши биологик самарадорлиги аниқланган.

Имидашанс, 20% с.э.к. - 0,075 л/га, Крейсер, 20% эм.к. - 0,07 л/га ва Фасшанс, 10% эм.к. - 0,3 л/га сарф меъёрида ўтказилган тажрибалардан қуйидагича хулосага келиш мумкин: Имидашанс, 20% с.э.к. 0,075 л/га, сарф меъёрда қўлланилганда биологик самарадорлик ўртача 3 соатдан сўнг – 85,2%, 24 соатдан сўнг – 93,0% ва 72 соатдан сўнг – 98,4%ни ташкил этди. Крейсер, 20% эм.к. препаратининг гектарига - 0,07 л/га сарф меъёрда қўлланилганда биологик самарадорлик ўртача 3 соатдан сўнг 80,1%, 24 соатдан сўнг – 91,0% ва 72 соатдан сўнг – 92,7% ни ташкил этди, Фасшанс, 10% эм.к. препаратининг гектарига - 0,3 л/га сарф меъёрида қўлланилганда

биологик самарадорлик ўртача 3 соатдан сўнг – 83,5%, 24 соатдан сўнг – 93,2% ва 72 соатдан сўнг – 95,4%ни ташкил этди, тажрибадаги эталон препаратининг (Перфекто, 17,5% к.с.) биологик самарадорлиги 82,6%, 92,7% ва 96,1% ни ташкил этди. (2-жадвал).

2 – жадвал

Марокаш чигирткасига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги (дала тажрибаси)

Вариант	Таъсир этувчи модда	Сарф меъёри, л/га	1 м ² майдондаги чигиртканинг ўртача сони	Самарадорлик, %		
				3 соат	24 соат	72 соат
Имидашанс 20% с.э.к.	Имидаклоприд	0,075	256,5	85,2±1,2	93,0±1,5	98,4±1,5
Крейсер 20% эм.к.	Имидаклоприд	0,07	242,1	80,1±1,1	91,0±1,5	95,7±1,5
Фасшанс 10% эм.к.	Альфа-циперметрин	0,3	278,9	83,5±1,2	93,2±1,5	95,4±1,5
Перфекто 17,5% к.с. (эталон)	Имидаклоприд +Лямбдацигалотрин	0.075	250,8	82,6±1,2	92,7±1,5	96,1±1,5

Шундай қилиб, Имидашанс, 20% с.э.к. препаратини гектарига - 0,075 л/га, Крейсер, 20% эм.к. - 0,07 л/га ва Фасшанс, 10% эм.к. 0,3 л/га сарф меъёрида қўлланилиши қабул этилган инсектициднинг ижобий баҳолаш мезонига тўғри келди.

ХУЛОСАЛАР

“Марказий Ўзбекистон тўғриқанотли (Insecta: Orthoptera) ҳашаротлари фаунаси ва экологияси” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Марказий Ўзбекистонда тўғриқанотли ҳашаротларнинг 8 оила 10 кенжа оила ва 61 авлодга мансуб 87 тур ва кенжа тури тарқалганлиги аниқланди.

2. Темирчакларнинг (Tettigoniidae) 7 та авлодга мансуб 9 тури, чирилдоқларнинг (Grylloidae) 7 та авлодга мансуб 7 тури, бузоқбошиларнинг (Gryllotalpidae) 1 авлодга мансуб 1 тури, триперстларнинг (Tridactylidae) 1 авлодга мансуб 1 тури, тетригидаларнинг (Tetrigidae) 1 авлодга тегишли бўлган 4 тури, пиргаморфидаларнинг (Pyrgomorphidae) 2 авлодга мансуб 2 тури, памфигидаларнинг (Pamphagidae) 4 авлодга мансуб 6 тур ва ҳақиқий чигирткаларнинг (Acrididae) эса 38 авлодга мансуб 43 тур ва кенжа турининг ўрганилаётган ҳудудда тарқалганлиги изоҳлаб берилди.

3. Илк бор Марказий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган чигирткаларнинг *Euchorthippus* авлоди ва битта кенжа тури - *Euchorthippus pulvinatus pulvinatus* (Fischer-Waldheim 1846) Ўзбекистон фаунаси учун маълум қилинди.

4. Ҳудудлар кесимида тоғ ва тоғ олдида энг кўп 68 тур, агробиоценозларда 57 ва табиий ҳисобланган ҳудудлардан қумли чўлларда 37 тур, Жайрон кўриқхонасида 26 тур ва сув ариқлари бўйларидан эса энг кам – 25 тур тўғриқанотлилар тарқалганлиги маълум бўлди.

5. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлилари вилоятлар кесимида таҳлил этилиб, Жиззах вилоятида 59 тур, Самарқандда 40 тур, Бухорода 41 тур ва Навоий вилоятида 64 тур тарқалганлиги аниқланди.

6. Тўғриқанотлилардан 39 тури барча вилоятларда тарқалган бўлса, доимий яшовчилар сифатида Бухоро вилоятида 3 тур, Навоий вилоятида 9 тур, Жиззах вилояти 5 тур ва Самарқанд вилоятида эса 1 тур учраши маълум бўлди.

7. Марказий Ўзбекистон ҳудудлари тўғриқанотли хашаротларининг тарқалиши, миқдори ва зичлигига асосан 62 (71.3%) тури доимий, 13 тури (14.9%) доминант, 10 тури (11.5%) жуда кам тарқалган, 2 (2.3%) тури эса гала ҳосил қилувчи турлар ҳисобланади.

8. OrthopteraInfo МБси учун биообъект ҳақидаги Марказий Ўзбекистон ҳудудидан йиғилган ва *Euchorthippus pulvinatus pulvinatus* (Fischer-Waldheim) тури бўйича олинган барча морфо-экологик маълумотлар киритилди ва МБга ҳозирги вақтда 35 та тавсиф ҳамда 200 та қайдлар жойлаштирилган.

9. Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлилари ҳаёт шаклига кўра, Эремобионт 14 тур - 16,09%, Факультатив Хортобионт 11 тур - 12,64%, Тамнобионт - 10 тур - 11,49%, Бошоқли хортобионт 9 тур - 10,34%, Герпетобионт 5 тур - 5,75%, Хортобионт 5 тур - 5,74%, Петрибионт 5 тур - 5,74%, Фиссуробионт 5 тур - 5,74%, Псаммобионт 4 тур - 4,59%, Ихтисослашган фитофил 3 тур - 3,44%, Ўсимликхўр хортобионт 3 тур - 3,44%, Микротамнобионт 2 тур - 2,29%, Қиёқ - бошоқли хортобионт 2 тур - 2,29%, Геобионт 2 тур - 2,29%, Учувчи мигрант 1 тур - 1,14%, Криптобионт 1 тур - 1,14% ни ташкил этди.

10. Марказий Ўзбекистон ҳудудларидаги тўғриқанотли хашаротлари фенологик спектрлари бўйича 4 та гуруҳга ажратилди, яъни имаго ва личинка ҳолида қишлоқчи турлар 23 та (26.4%), эрта баҳорги турлар 10 та (11.5%), баҳор - ёзги турлар 45 та (51.7%) ҳамда ёз - кузги турлар 8 та (9.2%) ни ташкил қилди.

11. Ўрганилаётган ҳудудда 10 та жуда кам тарқалган турлардан *Phaneroptera falcata* (Poda, 1761), *Glyphonothus thoracicus* (Fischer-Waldheim 1846), *Melanotmethis fuscipennis* (Rebt., 1889), *Pezotmethis ferghanensis* (Uv., 1925), *Sphingonotus halophilus* (B.-Bien., 1929) каби турларини Ўзбекистон Қизил китобига киритиш тавсия қилинди.

12. Марказий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тўғриқанотли хашаротлар 10 та зоогеографик авлодлар элементларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг

27,6% қадимги Ўрта ер, 25,2% - Шарқий ярим шар плюрирегионал, 17,2 % - Плюрирегионал, 9,2 % - Ўрта ер денгизи, 7% дан Голарктик турлар, 5,8 % дан Турон турлари 3,4% ни, Ўрта осие тоғ, Транспалеарктик турлар 2,3 % ва Ўзбекистон эндемиклари 1,1% ни ташкил қилади.

13. Молекуляр-генетик тадқиқотлар натижасида *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa, 1836) турини рДНК ITS2 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилинди. Ушбу тур бўйича олинган барча таҳлиллар натижалари <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/nucscore/MW489518.1> Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанки (NCBI) базасига жойлаштирилди.

14. Чигирткаларга қарши инсектицид препаратлардан Имидашанс, 20% с.э.к. - 0,075 л/га, Крейсер, 10% эм.к. - 0,07 л/га ва Фасшанс, 10% эм.к. - 0,3 л/га сарф меъёрида қўлланилиши, юқори биологик самарадорликни (95,4 %- 98,4 %) намоён этиб, ижобий баҳолаш мезонларига тўлиқ мос келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРАЕВА ЗУХРА РАЖАБОВНА

**ФАУНА И ЭКОЛОГИЯ ПРЯМОКРЫЛЫХ НАСЕКОМЫХ
(INSECTA: ORTHOPTERA) ЦЕНТРАЛЬНОГО УЗБЕКИСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B162.

Диссертационная работа выполнена в Институте зоологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Мирзаева Гулнара Саидарифовна
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Медетов Махсетбай Жапакович
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Хусанов Алижон Каримович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет


Защита диссертации состоится 14 апрель 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Актывый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №37 Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.


Автореферат диссертации разослан « 01 » апреля 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 8 от « 01 апреля» 2021 года)




Д.А. Азимов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор, академик


Ф.Д. Акрамова
Вр.и.о. Ученого секретаря Научного
совета по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор


А.Э. Кучбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировых масштабах происходит глобальное изменение климата, рост антропогенных факторов и изменения окружающей среды в природных ландшафтах, что отрицательно влияет на разнообразие насекомых. В частности, расширение урбанизированных территорий приводит к резкому увеличению количества вредителей сельскохозяйственных культур. Соответственно, в территориях с сильными антропогенными факторами важное научно-практическое значение имеет оценка текущего состояния популяций прямокрылых насекомых, охрана редких и исчезающих видов и разработка своевременных мер по борьбе с вредными видами.

В мире, большое внимание уделяется изучению разнообразия прямокрылых насекомых, определению их распространения в естественных и антропогенных ландшафтах под влиянием различных факторов, а также разработке эффективных мер борьбы с вредителями. В связи с этим, в частности, нанесены на карту ареалы распространения вредоносной саранчи и создана система ГИС для борьбы с их популяциями, а также усовершенствованы меры по борьбе с вредителями, наносящими вред сельскохозяйственным культурам. В сильно урбанизированных районах под влиянием различных факторов наблюдается резкое сокращение разнообразия насекомых, в то время как популяции многих их вредителей расширяются. Особое значение в классе Насекомых имеет отряд прямокрылых насекомых, для которых характерны широкое распространение, чрезвычайная приспособляемость. Отряд характеризуется большим количеством видов, вредных для сельского хозяйства. В этой связи, определение видового состава фауны прямокрылых насекомых, исследование их распределения по ландшафтам и зоогеографическому распространению, проведение молекулярно-генетического анализа морфологически похожих видов, усовершенствование методов управления популяций вредоносных видов имеет важное научно-практическое значение.

В республике уделяется пристальное внимание определению разнообразия насекомых, охране и ведению их кадастра. В результате проведённых в этом направлении мероприятий, определён их таксономический состав, а исчезающие виды взяты под охрану, разработаны химические и биологические методы борьбы с вредоносными видами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² поставлены задачи по «...решению вопросов, связанных с нанесением ущерба состоянию окружающей среды». Для решения поставленных задач, в частности, определение видового состава прямокрылых насекомых, распространённых в центральных регионах республики, раскрытие межландшафтного распределения и формирования фауны, составление ГИС карт их распространения, разработка эффективных и экологически чистых

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7.февраля 2017 г. “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан

методов борьбы с вредоносными видами имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 от 7 ноября 2018 года “О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира”, а также других нормативно-правовых документов принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Исследовательские работы по определению видового состава прямокрылых насекомых, картографированию ареалов их распространения, а также созданию ГАТ системы и контроля популяций проводились многими зарубежными учёными: А.В. Лачининский (2001), Р.А. Oliveira (2001), В. Agabiti (2006), А.М. Fermin (2013). В странах СНГ исследования по систематике и морфологии вредных видов саранчи, зоогеографии и экологических особенностях прямокрылых отмечены в работах Ф.Н. Правдина (1978, 1980), М.Г. Сергеева (1986), И.К. Лопатина (1989), О.Л. Крыжановского (2002).

